

*Мавлонова Мавлуда Давуровна, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент Ахборот технологиялари университети
Чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси*

АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЎЗЛАШИШ ОМИЛЛАРИ ВА ТЕРМИНЛАРНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада АКТ терминлари, уларнинг ўзбек тилига ўзлашиши жараёнлари, терминларнинг амалда қўлланилишидаги қийинчиликлар, маъно торайиши ва кенгайиши ҳақида батафсил ёритиб берилган. Шунингдек инглизча АКТ терминларининг ўзбек тилига бевосита ва билвосита ўзлашишининг асосий омиллари ифода этилган.

Калит сўзлар: термин, лексика, сўз ўзлашиши, экстралингвистик омиллар, ўзлашган АКТ терминлари.

Аннотация: В этой статье подробно рассказывается о терминах ИКТ, процессах их освоения на узбекском языке, трудностях практического применения терминов, сужении и их значении. Также выражены основные факторы прямого и косвенного внедрения английских терминов ИКТ в узбекский язык.

Ключевые слова: терминология, лексика, усвоение слов, экстралингвистические факторы, освоенные термины ИКТ.

Annotation: This article describes in detail the terms of ICT, the processes of their development in the Uzbek language, the difficulties of practical application of terms, narrowing and their meaning. The main factors of direct and indirect introduction of English ICT terms into the Uzbek language are also expressed.

Key words: terminology, lexicon, word assimilation, extralinguistic factors, mastered ICT terms.

Тил мослашувчан, таъсир этувчи омиллар эга ҳисобланади. Лексика – бу тилларнинг энг осон ўзгариш жараёнига эга соҳаси бўлиб, экстралингвистик ўзгаришларга энг тез жавоб бера олади. Унда ташқи ўзаро таъсирлар энг кўп ўзгаришларни амалга оширади. Шунинг учун ундаги барча ўзгаришларни тушунтириш деярли осон ҳисобланади . Л.П. Крысин “ўзлаштириш шартлари ҳақида гапирганда, хорижий матбуот, илмий ва журналистик адабиётларни ўқиш, таржима қилиш ва шарҳлаш, халқаро конференцияларда иштирок этиш, симпозиумлар, қўшма миллатлараро техник ва илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш жараёнида мулоқот ва бошқа жараёнлардаги нутқий фаолият чет тил лексикаси ва терминологиясини ўзлаштириш учун қулай замин яратади”, деб ҳисоблайди . Чет тилидаги сўзларни ўзлаштириш сабаблари ҳар доим тилшуносликлар эътиборида бўлган ва у синхроник характерга эга [2; 48]. Бунга асосий омиллар мамлакатлар, миллатларнинг ўзаро интеграцияга юз тутиши, маълум бир халқ моддий маданиятининг бошқа миллатларга ёйилиши, оммавий билингуализм, чет тилидаги сўзлардан ўз мулоқотида фойдаланишга ҳаракатнинг кенгайиши, турли миллатдаги одамлар ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқотлар, айрим тилларнинг бошқаларга нисбатан устунлиги (маданий, диний, илмий, иқтисодий ва бошқалар), маълум бир маданий таъсири юзага келиши ҳисобланади.

Д.С.Лотте бунга бир қанча омиллар мавжудлигини таъкидлайди ва уларни иккита асосий категорияга ажратади: тилга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар. Л.П.Крысин ҳам ўз навбатида ўзлашмаларнинг сабаблари ички ва ташқи омилларга боғлиқлигини билдиради [3; 18]. Сўзларнинг бир тилдан бошқасига ўтишининг ташқи экстралингвистик сабаблари халқлар ўртасида кўпроқ ёки камроқ яқин сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг мавжудлигидир. Маълумки, луғат - бу ташқи таъсирларнинг барча турлари учун энг очиқ бўлган соҳа бўлиб, бу жамиятнинг ижтимоий ҳаётидаги барча ўзгаришларни ўзида акс эттиради. Ю.С. Сорокиннинг фикрича, “тилнинг лексикаси нафақат аста-секин ва доимий, балки узлуксиз тарзда ўзгаради. Бу ҳолат жараёнга боғлиқ ташқи ва ички шароитлар пайдо бўлганда, яъни

ижтимоий ҳаётнинг интенсив даврида муҳим ва чуқур ижтимоий-маданий ўзгаришлар вужудга келганда содир бўлади” .

АКТ терминлари ўзбек тили учун нисбатан янги соҳа бўлиб, улар ўзбек тили лексикасига рус тили орқали ва тўғридан-тўғри инглиз тили орқали кириб келган. Шунинг учун аксарият АКТ терминларида инглиз тили лексикасига хос белгилар мавжуд. Биринчи ЭҲМ (электрон ҳисоблаш машиналари) компьютерлари пайдо бўлгандан то сўнги авлод компьютерлари яратилганига ҳам ўн йиллар бўлди ва шу вақт ичида компьютер тили профессионал соҳа доирасидан фойдаланиш қатламидан чиқиб кетди ва тил соҳибларининг ҳар кунги нутқий мулоқоти таркибига кириб борди. Ҳозирги кунда ҳар қандай соҳада ижтимоий фаол ва талабчан мутахассис бўлиш учун АКТдан малакаси юқори бўлишни талаб этади ва бу эса АКТ тизимидаги асосий тушунчалардан боҳабар бўлишни тақозо этади. Бундан ташқари, янги йўналиш ва мутахассисликлар (менежер, дилер, маркетинг, промоутер), спорт фаолиятининг янги турлари (боулинг, крикет, сновбординг) лексикасининг тил базалари англо-америка терминологиясини англатади ва бу оммавий нутққа инглиз тилининг кириб боришини таъминлайди.

АКТ терминларини инглиз тилидан бошқа хорижий тилларга бевосита ва билвосита ўзлаштириш жараёнининг лингвистик ва экстралингвистик омиллари мавжуд эканлигини М.А. Брейтер, У. Вайнрайх, Д.С. Лотте каби олимлар таъкидлаб ўтишган.

АКТ терминларни ўзлаштириш жараёнини экстралингвистик омилларига одатда қуйидагилар эътироф этилади [4; 101]:

- ўзгарувчан жамиятда субъектнинг ролини ўзгартириш (ЭҲМ - компьютер);
- давлатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий алоқаларнинг ривожланиши;
- жаҳон миқёсида глобаллашув ва компьютерлаштириш жараёни;
- мамлакатларнинг бир-бирига маданий таъсири, хусусан, моданинг хорижий маданиятга таъсири;

- ижтимоий қатламларнинг лингвистик маданиятни, янги сўзларни қабул қилиш шартлари;

Сўз ўзлаштиришнинг тил билан боғлиқ омиллари одатда ўша тил тизими ичидаги қарашлар, уларнинг сабаблари ва ўзлаштириш шарт-шароитлари, лексик инновациялар, уларнинг сабаблари ва ўзлаштириш шарт-шароитлари билан ҳамоҳанг равишда бўлади. Тил тизимининг эҳтиёжлари фақат янги номинацияларни қидиришга туртки беради ва қидириш жараёни ушбу тизимдан ташқарида бўлиши фақат экстралингвистик асосларга боғлиқ. Хусусан, ўзбек тилининг ички ўзига хос хусусиятлари ва унинг микротизимлари, яъни манба тил ва қабул қилувчи тилнинг ўзига хос хусусиятлари билан аниқланади. Бу борада инглиз тилидан ўзлашган АКТ терминлари одатда тил тизимига боғлиқ ҳолатда ўзбек тили луғат таркибига мослашиши осон кечади [1; 91].

АКТ терминларини ўзлаштиришнинг лингвистик омилларига қуйидагилар киради:

1. қабул қилувчи тилдаги асл сўзнинг полисемияси ва омонимиясини йўқ қилиш тенденцияси;
2. тушунчани батафсил баён қилиш зарурияти;
3. қабул қилувчи тилида ижобий/салбий коннотатив маъноларни ифодалаш;
4. тушунарли бўлиши учун қабул қилувчи тилда ўхшаш бўлган сўзларнинг шакллантириш тенденцияси;
5. янги нарса, тушунча ёки ҳодисанинг номинацияси;
6. қабул қилувчининг тилида тегишли тушунчанинг мавжуд эмаслиги;

Д.С. Лотте шунингдек, луғавий сабабларга кўра тавсифланган иборанинг ўрнига битта керакли сўзни ишлатиш тенденциясини назарда тутаяди: “тақдимотда рамкалар кетма-кетлиги” - слайд-шоу; “тармоқ пакетли анализаторлари” - снифферс; “кераксиз электрон почта реклама хабари” – спам ва бошқалар .

Ю.К. Волохов ўзлаштиришнинг яна бир омилига тилда мавжуд бўлган тор маъноли номлар учун умумий терминни олишни киритади. Масалан, портатив компьютер – ноутбук [3; 29].

Инглизча АКТ терминларининг ўзбек тилига бевосита ва билвосита ўзлаштиришнинг асосий омиллари сифатида бир қанча омилларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан сўнг давлатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий алоқаларнинг ривожлантиришнинг мамлакат сиёсатининг асосий вазифалари этиб белгиланди. Шунинг натижасида Ўзбекистон аста-секин яқин ва узоқ давлатлар билан минтақавий, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар, стратегик каби бир неча соҳаларда ўз алоқаларини ўргадти. Шунинг натижасида ҳамкор давлатларнинг шу соҳалар бўйича инновациявий инвестицияларини Ўзбекистонга олиб кириши натижасида ахборот технологияси соҳасига янада эътибор ортди ва инглизча АКТ терминлари ўзбек тили лексик тизимига кириб келди.

Иккинчидан, бугунги кунда жаҳон миқёсида глобаллашув ва компьютерлаштириш жараёни давом этмоқда. XXI аср фан ва технологиялар асрида инсоннинг эҳтиёжини қондириш ва қулайлик яратиш учун янги технологиялар яратилмоқда ва кўплаб соҳалар роботлаштирилмоқда. Бу жараёнда АКТ терминлари ўз-ўзидан барча мамлакатлар ижтимоий ҳаётига кириб боради [1; 89].

Учинчидан, АКТ терминологиясини асосини ташкил қилувчи компьютер қурилмалари номларини англаувчи терминларнинг аксарияти инглиз тилида яратилган. Бунга сабаб, дунёда илк электрон ҳисоблаш машинаси АҚШнинг Пенсилвания университетида яратилган. Тўртинчидан, инглиз тили охириги 30 ёки 40 йиллардан буён дунёнинг асосий коммуникация тили сифатида бутун дунё ҳамжамиятида қўлланиб келинмоқда. Сўнгги вақтларда яратилган ахборот коммуникация технологиялари соҳасига доир ҳар қандай янги предметга инглизча ном берилмоқда. Ана шу технологиялар Ўзбекистонга турли ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқалар натижасида кириб келмоқда ва

омма тили истеъмолига кенг кириб бормоқда. Ваҳолангки, бундай терминлар номинациясини ўзбек тилида муқобили учрамайди ва ўзбек тилига фонетик, график, семантик мослашув қонуниятларига асосан тилимизга ўзлашиб бормоқда. Бу жараёнда тилимизга кириб келган терминларни тўғридан-тўғри ўзлашиш деб ҳисоблай оламиз.

Бешинчидан, кўпгина бошқа тилларда бўлгани каби баъзи АКТ терминларининг ўзбек тилида на муқобили, на синоними мавжуд. Шу жараён ҳам инглизча АКТ терминларини ўзбек тилига бевосита кириб келишига сабаб бўлмоқда. Олтинчидан, Республикамизда кейинги 10 йилликда терминологияси соҳасига бағишланган тадқиқот ишларининг кўлами сезиларли даражада ортди. Бу тадқиқотларда термин, терминология, терминтизим каби масалалар ўрганилди. Шунинг натижасида нафақат, АКТ соҳасида, балки бошқа соҳада ҳам ўзлашма терминлар сони ортиб бормоқда. Шу каби ҳолатлар ҳам инглизча АКТ терминларининг ўзбек тили лексик тизимига мослашиш омилларидан ҳисобланади.

Масалан, лингвистик экономика – лисоний тежамкорлик. Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратмоқчимиз, ҳар қандай соҳага оид терминларни тўғридан-тўғри тилнинг лексик тизимига олиб киришдан кўра маълум бир терминларни шу тилдаги ўз муқобилларини топишга ҳаракат қилиш тенденцияни таклиф қилмоқчимиз. Бу эса ўз навбатида терминларни амалда қўллаш қийинчиликларини ҳам бартараф этиш имконини яратади. Сабаби, ҳар қандай терминологияга бағишланган тадқиқотларда шу соҳага оид терминларни бошқа соҳа вакиллари томонидан қўллаш жараёнида учрайдиган қийинчиликларни бартараф этишни мақсад қилиниши керак деб, ҳисоблаймиз. Шу ўринда биз ҳам тадқиқотимизда инглиз тилидан ўзбек тилига ўзлашган АКТ терминларни амалда қўллаш қийинчиликларни баратараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар келтириб ўтишни лозим топдик. Ҳ.Дадабоев ўзининг “Замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологияси” номли рисоласида бугунги кундаги ўзбек соҳа терминологияси хусусида қуйидаги фикрларни келтириб ўтади:

- 1) “хорижий тиллардан шиддат билан кириб келаётган фан, техникага доир терминларни қандай тарзда қабул қилиш, ўзлаштириш хусусида ҳар хил ёндашувлар кўзга ташланади;
- 2) муайян нарса-буюм, тушунча, воқеа-ҳодисани ифодалашда она тили қатори ўрни билан ўзбек тили шевалари ва лаҳжалари сўз хазинасида мавжуд тайёр сўзлардан фойдаланилмоқда;
- 3) ўзбек тилида сўз ясовчи аффиксларнинг термин ҳосил қилишдаги иштирокидан унутли истифода этилмоқда;
- 4) калькаларнинг турлари ёрдамида терминлар ҳосил қилишга жиддий диққат қаратилмоқда;
- 5) юқоридаги усулларнинг бирортаси ҳам қўл келмаган кезларда чет тили терминлари айнан, тайёр ҳолда ўзбек терминологияси тизимига олинмоқда. Сўнгги фикрнинг исботини АКТ ва замонавий педагогик технологиялар, компьютер, интернет билан боғлиқ терминларнинг қўлланишида кўрамыз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.Кўчимов. Юридик тил назарияси ва амалиёти. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети. – Т: 2013
2. Дадабоев Ҳ. Ўзбек тилида аффиксация усули билан ясалган сифат-терминлар. “Ўзбек тилшунослиги: тараққиёти ва истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент, 2016. –Б.193- 199.. –Б.87.
3. Лотте, Д.С. Вопросы заимствования и упорядочения иноязычных терминов и терминологических элементов [Текст] / Д.С. Лотте. - М.: Наука, 1982. С.112.
4. Крысин, Л.П. Иноязычные слова в современном русском языке / Л.П. Крысин // Современный русский язык: Лексикология. Фразеология. Лексикография [Текст]: Хрестоматия и. учебные задания / Сост. Л.А. Ивашко, И.С. Лутовинова, Д.М. Поцепня, М.А. Тарасова, М.Ю. Жукова,

Е.И. Зиновьева, М.А., Шахматова; отв. ред. Д.М. Поцепня. — 2-е изд., перераб. и доп. — СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2002. - С. 273.